
Огоҳлантириш: Эртага, 31 октябр куни "Озод метан" ГРС истеъмолчилари газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасидаги таъмирлаш тадбирлари, хусусан торайтириш мосламалари (шайба)ни қишки мавсумга алмаштириш ишлари олиб борилиши муносабати билан **"Озод метан" ГРСдан фойдаланувчи** аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга эртага, **2024 йил 31 октябр куни соат 09:00 дан 17:00 га қадар табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.**

Хусусан, "Озод метан" ГРСнинг аҳоли тармоғида фойдаланувчи **Авғон, Кўл Элаш, Қумбосди, Тинчлик, Қайнар ва Қайнарбулоқ МФЙлари** табиий газ истеъмолчилари таъминотида юқорида қайд этилган вақтлар давомида вақтинчалик узилиш бўлади.

Хурматли истеъмолчилар! Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишингизни эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

"Ҳудудгаз Фарғона" ГТФ "Ўзбекистонтумангаз" бўлими
Мурожаат учун телефон: ☎104, (73) 539-19-46

2024-10-30 17:26:39